




TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI



AGRAR TARMOQ IQTISODIY SALOHIYATINI OSHIRISHDA INSTITUTSIONAL ISLOHOTLAR VA AGROKLASTERLARNI RIVOJLANTIRISHNING O‘RNI: muammo va yechimlar

mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani
MATERIALLARI T O‘PLAMI

18-may 2021-yil



Toshkent - 2021 yil

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**АГРАР ТАРМОҚ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ
ОШИРИШДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ВА
АГРОКЛАСТЕРЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ:
муаммо ва ечимлар**

мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ
18 май 2021 йил**

Тошкент - 2021 йил

КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ВА УНИ БОШҚАРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Ж.Х.Рашидов, ТДИУ, и.ф.н, доцент.

А.Ф.Абдурахмонов, ТДИУ магистратура талабаси

Ҳар қандай давлатнинг жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида унинг маданий, тарихий, илмий, айниқса, иқтисодий салоҳияти муҳим ўрин тутади. Шу маънода, Ўзбекистон имкониятлари ниҳоятда юқори мамлакат бўлиб, кейинги йилларда иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўсиш суръатлари кўрсаткичлари билан нуфузли давлатлар қаторидан мустаҳкам жой эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонида кўра, 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси дастурида “Саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш” масалалари белгиланди[1]. Бу ўз навбатида мамлакатимиздаги саноат корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини кўтариш асосида фаолият самарадорлигини ошириш имконини беради.

"Салоҳият" сўзи лотинча "куч" деган маънони англатади. Умумий маънода салоҳият қандайдир соҳада мавжуд бўлган барча восита ва имкониятларнинг йиғиндисидир. Корхонанинг салоҳияти мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланиш натижалари билан бевосита боғлиқдир.

Бугунги кунга қадар кўплаб маҳаллий олимларнинг корхонанинг “иқтисодий салоҳият” тушунчасига ёндашувлари турлича бўлиб келган. Корхона иқтисодий салоҳияти-корхонанинг моддий ресурслари, меҳнат ресурслари ва номоддий активлари билан баҳоланади деб таърифлашган[2].

Иқтисодий салоҳият умумий маънода мавжуд ресурслардан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятининг максимал натижаларига эришишга қаратилган иқтисодий тизимлар қобилятининг мажмуасини ўзида ифода этади. Иқтисодий салоҳиятнинг фундаментал асосини ресурслар ва уларнинг таркибий қисми ташкил этади. Бу хўжалик тизимида мавжуд бўлган барча ресурсларнинг мажмуасига тенглаштирилади. Иқтисодий салоҳиятни ошириш ва ривожлантириш масалалари доимий равишда корхона бошқарув фаолиятининг алоҳида эътиборида бўлган.


Иқтисодий салоҳиятга таъсир этувчи омиллар иқтисодий салоҳиятнинг шаклланиши, ривожланиши ва ундан фойдаланишга кўмаклашувчи ёки тўсқинлик қилувчи сабаб ва аниқловчилардир. Уларнинг мажмуаси иқтисодий салоҳият омиллари тизимини ташкил этади. Иқтисодий салоҳият

омиллари тизими ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятини амалга ошириш, жамият эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулот, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолни ривожлантириш учун корхона ёки умуман иқтисодий тизимнинг шарт-шароитлари, имкониятлари ва қобилиятлари мажмуини белгилайди. Иқтисодий салоҳиятнинг ўзи ўзгарувчан қиймат ҳисобланганлиги боис, унинг даражаси кўп омилларга боғлиқдир. Уларнинг асосий қисми қуйидагилар ҳисобланади:

-корхона эга бўлган мавжуд ресурсларнинг миқдори (бошқарув жараёнида иштирок этадиган, вақтинча фойдаланилмаган);

- корxonанинг иқтисодий салоҳиятни ошишини ва ривожланишини таъминлайдиган шароитлар.

Корxonанинг иқтисодий салоҳиятини белгиловчи асосий омилларга хўжалик тизимининг молиявий имкониятлари, меҳнат ва моддий ресурслари, инфратузилмасининг ривожланиш даражаси ва илмий - техника тараққиёти ютуқлари киради. Иқтисодий салоҳиятнинг шаклланиши, ривожланиши ва ундан фойдаланишга таъсир этувчи омилларнинг бутун мажмуи турли белгиларга кўра таснифлаш мумкин. Корxonанинг иқтисодий салоҳиятига таъсир этувчи омилларни қуйидагича таснифлаш мумкин(1-чизма).



1 – чизма. Корxonанинг иқтисодий салоҳиятига таъсир этувчи омилларни гуруҳлаш.

Корxonанинг иқтисодий салоҳиятига таъсир этувчи омиллар экстенсив ва интенсив омилларга бўлинади. Биринчиси, иқтисодий ресурсларнинг

миқдори ва улардан фойдаланиш натижалари ҳажми билан боғлиқдир. Иккинчиси эса иқтисодий ресурслардан фойдаланиш унумдорлиги ва самарадорлигини таъминлайдиган сифат хусусиятлари билан белгиланади. Шунингдек, иқтисодий салоҳиятга таъсир этувчи омилларни барқарорлигига ва уларнинг таъсир характериға қараб гуруҳларға ажратиш мумкин. Бундай омилларни иккиға объектив ва субъектив омилларға ажратиш мумкин. Объектив омиллар корхона, ташкилот, минтақа, мамлакатға боғлиқ бўлмаган омиллар билан белгиланади.

Аввало, улар иқтисодий-географик жойлашуви, табиий омиллари, ривожланиш даражаси ва хўжалик юритишнинг хусусиятлари билан ифодаланади. Субъектив омиллар корхона ва ташкилот тараққиётиға бевосита таъсир кўрсатувчи бошқарув органларининг мақсадли фаолияти билан боғлиқ. Улар иқтисодий тизимнинг таъсириға бўйсунди ва шунинг учун бошқарилади. Бундан ташқари, иқтисодий салоҳиятға таъсир этувчи омилларни ташқи ва ички омилларға ажратиш мумкин. Биринчиси корхона ва ташкилотдан ташқарида шаклланади ва унга ҳеч қандай боғлиқ эмас, иккинчиси эса, аксинча, унинг фаолияти билан бевосита боғлиқ ва зарур бўлганда ўзгартирилиши мумкин. Иқтисодий салоҳиятға таъсир этувчи омилларни ўзгаришға сезувчанлик даражасиға кўра ўзгарувчан ва ўзгармас омилларға бўлинади.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти ички омилларға кўп жиҳатдан боғлиқдир. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини тавсифловчи ички омилларға қуйидагиларни киритиш мумкин:

I. Меҳнат салоҳияти. Булар:

1. Таълим даражаси, %:

- ўрта маълумот;
- ўрта махсус маълумот;
- олий маълумот.

2. Корхона ходимларининг касбий тайёргарлигини яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатлари.

3. Корхонадаги мавжуд ходимларнинг иш тажрибаси.

II. Ахборот муҳити. Булар:

1. Кадрларни компьютер технологияларнинг замонавий воситаларини ўзлаштириш даражаси.

2. Бошқариш функцияларининг компьютер дастурларини қамраб олиш даражаси.

3. Компьютер ва ташкилий техника воситалари имкониятларидан фойдаланиш натижадорлиги.

4. Ахборотнинг таркиби, миқдори ва тури.

5. Ахборотни қабул қилиш ва узатиш каналлари.

6. Оператив ахборотни қабул қилиш ва узатиш вақти.

7. Олинган маълумотларнинг сифати ва ишончилиги.

8. Ишлаб чиқариш жараёнларининг ахборот таъминоти.

III. Молиявий ресурслар. Булар:

1. Корхоналарда пул оқимлари ва инвестициялар таркиби.
2. Корхонага инвестиция манбалари.
3. Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги.
4. Корхонанинг фойда ва рентабеллик даражаси.
5. Корхона, таъминотчилар, инвесторлар ва мижозларнинг тўлов қобилияти.
6. Инвестиция ва молиявий ресурсларнинг миқдори.
7. Корхоналарнинг инвестицион сиёсати.
8. Ижтимоий соҳа объектларини яратиш, ривожлантириш ва сақлаш учун жами харажатлар ва инвестициялар миқдори.
9. Ижтимоий соҳани яратишда барча ресурсларни сақлаш ва фаолият кўрсатиш харажатлари.
10. Ижтимоий соҳа объектларини сақлаш учун эксплуатацион харажатлар турлари.

IV. Ишлаб чиқариш муҳити. Булар:

1. Иш ўринларининг оптимал жойлашуви.
2. Ижтимоий – руҳий муҳит.
3. Санитария-гигиеник шароитлар.
4. Ҳарорат, намлик, иш жойини ёритиш даражаси.

V. Инфратузилманинг ҳолати. Булар:

1. Ишлаб чиқариш бинолари.
2. Меҳнат воситалари ва жиҳозлари.
3. Ёрдамчи хизматлар.
4. Ахборот ва коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражаси.
5. Транспорт воситалари билан таъминланганлик даражаси.

VI. Интеллектуал салоҳияти. Булар:

1. Ходимлар сонига нисбатан ташкилот фаолиятини такомиллаштириш бўйича инновацион таклифлар сони.
2. Ташкилий-техник режа ва дастурларида назарда тутилган ҳар йили амалга ошириладиган тадбирлар сони.
3. Янги маҳсулотларнинг умумий савдодаги улуши, %.
4. Лицензиялар, патентлар, ихтиролар, савдо белгилари, саноат намуналари сони.

VII. Маркетинг салоҳияти. Булар:

1. Рақобатчиларнинг кучли ва заиф томонларини баҳолаш.
2. Мижозлар эҳтиёжларини қондирилишини баҳолаш.
3. Потенциал бозорларни аниқлаш.

VIII. Ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳолати. Булар:

1. Ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш ва ташкил этиш даражаси.
2. Корхонани бошқаришнинг ташкилий-функционал таркибининг тури.
3. Бошқарув ходимларининг таркиби.

4. Корхонанинг мулкчилик шакли.
5. Жараённинг барқарорлиги.
6. Ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш даражаси.

Хулоса қилиб айтганда, корхонанинг иқтисодий салоҳиятига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, уни оширишда ушбу омилларнинг ўрни қандай ҳамда мазкур омиллар қай даражада ечилмаётганлигини аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга ушбу омилларини ўрганиш, корхонанинг иқтисодий салоҳиятини оширишда уларнинг қай даражада таъсир этаётганлигини аниқлашга ва уларни самарасини ошириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлигини белгилаб олишга ёрдам беради. Бу эса корхонанинг техник ва технологик жиҳатдан ривожланишига, молиявий ва иқтисодий имкониятларининг кенгайишига, барқарорлигининг ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Холиқулов А.Н. Иқтисодий таҳлил. Дарслик. –Тошкент -2011.–136 б.
3. Муратов Р.С, Джалолова И.А., Орипов С.Ш.. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Тошкент -2014. –250 б.

КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ БОШҚАРИШ

А.Ф.Абдурахмонов, ТДИУ магистратура талабаси

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида эришилаётган юқори натижалар, аввало, замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг ишга тушиши, бунинг эвазига минтақамиз иқтисодий салоҳиятининг ўсиши, ишлаб чиқарилаётган товар ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, уларнинг сифат жиҳатидан жаҳон стандартларига мослашиб бораётганлиги, шунингдек меҳнат ресурслари салоҳиятининг ўсиб бориши ҳисобига руёбга чиқмоқда.

Корхонанинг умумий салоҳиятидан фарқли равишда корхонанинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш учун зарур бўлган иқтисодий салоҳияти (шунингдек, унинг таркибий элементлари) ҳамда уни ривожлантириш механизми корхонани иқтисодий нуқтаи назардан тадқиқ этиш ва ривожлантириш учун жавоб беради.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти-корхонанинг узоқ муддатли иқтисодий ривожланишини амалга ошириш учун қабул қилинган стратегиялар асосида таъминлашга қаратилган қуйидаги салоҳиятлар (имкониятлар) мажмуини ўз ичига олувчи тизимдир:

Siddiqov Z.T. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida marketing konsepsiyasini nazariy asoslari	57
Турдибоев А., Бердиев Х. Инновацион технологиялар асосида иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари	63
Исламов Ф.Р., Одилова Д.Т., Тиркашев М.Б. Аграр соҳада инвестицион фаолиятни ташкил этишнинг назарий асослари	68
Рашидов Ж.Х., Абдурахмонов А.Ф. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти ва уни бошқаришга таъсир этувчи омиллар	71
Абдурахмонов А.Ф. Корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини бошқариш	75
Менгликулов Б.Ю., Хожабоева Л.И. Иқтисодиёт ва рақамли иқтисодийотда кадрлар масаласи ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти	79
Акбаралиева Н.А., Ашурметова Н.А. Анализ развития интенсивного садоводства в Ташкентской области Республики	82
Болтаев Н.Ш., Мирзаахмедов Р.Р. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш йўллари	86
Ашурметова Н.А., Тулаганов Ш.Т. Значение кредитования для развития животноводства	89
Ashurmetova N.A., Sobirov M.M., Xandamova G.T. Oilaviy tadbirkorlikda asalarichilikni rivojlantirish	93
Халиков С.Р. Концепция логистики – резерв экономики Республики Узбекистана	96
Мирзаев М.У. Глобаллашув шароитида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги	102
Мирзаахмедов Р.Р. Мевачилик маҳсулотларини етиштиришга жалб қилинадиган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги ошириш йўллари	105
Абдуллаев Ў., Ғоимназаров Ш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ривожланиш ҳолати ва тенденциялари	108
Тухтамишев Ш.Қ. Чорвачилик хўжаликларида инвестицион жозибадорликни ошириш йўллари	111
Джурабаев О.Д. Особенности подходов и методик к управлению производственными процессами в пчеловодстве	115
Яхшибаева М.Т. Привлечение инвестиций в аграрный сектор Узбекистана	119
Галимова Ф.Р., Бабаев А.А., Коротков Н.В. Развитие предпринимательской деятельности в сельском хозяйстве Узбекистана	122
Babadjanova M.M. Food security through efficient agricultural resources use under climate change in Central Asia	126
Саламов И.С., Назарова М.Ш., Жонибеков Ф.Б. Мева-сабзавотлар ва узумни экспорт қилишдан олинадиган иқтисодий самарадорлик	128